



# O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ  
VATAN —  
BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2010-yil • 4-dekabr • Shanba • 141-142 (31.262) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan  
www.uzbekistonovozi.uz e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ



3 декабрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси очилди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлдilar.

Мажлиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди. Сенаторлар ўз ишларини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда ўтказилган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маърузаси ҳамда мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакилик органларининг ролини кучайтириш борасидаги 2010 йил ва кейинги йилларга мўлжалланган вазифалар тўғрисидаги масалани кўриб чиқишдан бошладилар.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу маърузаси мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётида ғоят муҳим воқеа бўлганлиги қайд этилди. Унда мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ўзгаришлар жараёни чуқур таҳлил қилинди, Ўзбекистоннинг демократик ва иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси мавзусидаги маърузаси ҳақда ҳар томонлама фикр юритилди, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига эга бўлган очиқ демократик давлат қуришнинг, фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда ўтказилган қўшма мажлисидаги



«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маърузаси ҳақда ҳар томонлама фикр юритилди, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига эга бўлган очиқ демократик давлат қуришнинг, фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда ўтказилган қўшма мажлисидаги

лик жамиятини ривожлантириш концепциясининг қоида ва ҳулосалари асосий стратегик мақсадга эришишга — иқтисодиёти барқарор ривожланиб бораётган ва бутун дунёда ҳурмат-эътибор қозongan, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари сўзда эмас, балки амалда олий кадрлар ҳисобланувчи кучли фуқаролик жамиятига эга бўлган демократик ҳуқуқий давлатни барпо этишга қаратилган. Концепция ички ислохотлар ва умумжаҳон демократик жараёнларининг боришини

теран фикрлаш натижаси бўлди. У мамлакатнинг сиёсий тизимини модернизация қилишда дастурий ҳужжат, Ўзбекистонни ислоҳ қилиш ва демократлаштиришда янги босқич бўлди. Сенаторлар ўз чиқишларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган Концепциянинг қоидалари ва ҳулосаларини бутунлай ва тўла-тўқис маъқуллаб, мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов томонидан қўйилган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш Ўзбекистон Республи-

каси Олий Мажлиси Сенатидан, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидан, ҳар бир сенатордан ва барча даражалардаги депутатлардан юксак ташаббускорликни, қонун ижодкорлиги фаолиятининг самарадорлигини ҳамда парламент назоратининг таъсирчанлигини оширишни, ўз ишларида умумдавлат ва минтақалар манфаатлари уйғун қўшиб олиб борилишини таъминлашни талаб қилади.

(Давоми 2-бетда.)

### Баҳс

**БИЗ НИМА ДЕЯПМИЗ-У, ЎЗЛИДЕП НИМА ДЕЙДИ?** → 3

8 декабрь — Конституция қабул қилинган кун

**ЁШЛАРНИНГ МУҚАДДАС БУРЧИ** → 5

### Эътироф

Президент Ислам Каримов таклиф қилган ўзгаришлар демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, парламент ваколатларини кенгайтириш, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ижтимоий дастурларни бажаришдаги ҳамда давлат ва жамият қурилишига оид муҳим аҳамиятга эга қарорларни қабул қилишдаги иштирокини фаоллаштиришга хизмат қилади. Ушбу Концепция нафақат Ўзбекистон халқи, балки халқаро ҳамжамият томонидан ҳам кенг қўллаб-қувватланмоқда. Унинг амалга оширилиши мамлакатимизнинг ривожланган демократик давлатлар қаторидан мустаҳкам жой элишига муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистонда ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида кўпга киритилган ютуқлар Конституцияда белгиланган тамойилларга амал қилишнинг самарасидир. Халқимиз мамлакат барқарор ривожланишига, гуллаб-яшнашига хизмат қилувчи бундай имкониятлардан умумий фойдаланиб бораверишига ишонимиз.

**Абдулазиз бин ҲАРУН, Малайзиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси.**

**Нуктаи назар**

## СОҒЛОМ РАҚОБАТ

*уни ким қандай тушунади?*

Партиялараро рақобатнинг муҳим шarti шуки, кураш, энг аввало, соғлом ва холис бўлмоғи даркор. Рақобатчи томоннинг иззат-нафсониятини ерга урадиган эҳтиросли чиқишлар, танқид учунгина танқид қилиш, тўғри таклиф ва мулоҳазалар моҳиятини қасддан бузиб талқин этиш ҳеч кимга наф ҳам, обрў ҳам келтирмайди.

→ 3

**Муаммо**

## Корхона фаолияти тўхтаб қолди

**ЎзЛиДеП бу масалага қандай қарайди?**

→ 4

**ЎЗХДП Навоий вилоят кенгаши диққатига!**

## Беғамликнинг оқибати қимматга тушади

ЎЗХДП Навбаҳор туман кенгаши етакчилари ишни тизимли ташкил этмагани халқ депутатлари туман Кенгашига партиямиздан сайланган 10 нафар депутатнинг ўзаро уюшқоқлигига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Натижада партиямиз депутатлик гуруҳи туман Кенгаши сессияларида кўриб чиқиш учун асосли масала киритмаяпти. Муҳокама қилинган масалалар юзасидан аниқ позиция шакллантира олмапти.

→ 3

**ФУТБОЛ**

## ОСИЁ ЎЙИНЛАРИДАГИ МУВАФФАҚИЯТСИЗЛИК

*ҳақида мураббий, мутахассис ва мухлислар нима дейди?*

→ 7

**Табиат ва биз**

## Айдаркўлга оққушларнинг қайтганлиги рост бўлсин

→ 6

«ЎЗБЕКISTON ОВОЗИ» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ, СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!

Обуна индекси — 220

**ОБ-ҲАВО 4-5.12.2010**

	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	0°С	2°С
Самарқанд	-3°С	2°С
Нукус	0°С	5°С
Қарши	0°С	5°С
Ургач	0°С	5°С
Навоий	0°С	5°С
Фарғона	-3°С	2°С
Бухоро	0°С	5°С
Андижон	-3°С	2°С
Наманган	-3°С	2°С
Термиз	0°С	5°С
Жиззах	-3°С	2°С
Гулистон	-3°С	2°С
Тошкент вил.	-3°С	2°С
Лондон	3°С	5°С
Париж	-2°С	3°С
Москва	-11°С	-9°С
Мадрид	-3°С	4°С
Пекин	-2°С	1°С
Гонконг	19°С	20°С
Рим	7°С	3°С
Анқара	8°С	7°С
Токио	8°С	7°С
Стокгольм	-10°С	-10°С
Кейптаун	13°С	15°С
Крэйфа	7°С	6°С
Гавана	16°С	15°С
Вашингтон	-2°С	0°С

O'zbekiston havo yo'llari

**TOSHKENT**  
XALQARO AEROPORTI

Хизматлар ларга келтирилган



Нуқтаи назар

# СОҒЛОМ РАҚОБАТ

уни ким қандай тушунади?

■ Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида таъкидлаганидек, мамлакатимизда ўтказилаётган демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг янги босқичида сиёсий партияларнинг роли ва масъулияти янада ортади.

Партиялараро рақобат, яъни кўзланган умуммақсадга эришишнинг самарали ва ҳаётӣ ечимларини топиш учун мунозарага киришиш, фикрни эмин-эркин ифодалаш зарур, албатта. Зеро, ҳақиқат баҳс-мунозарада, соғлом рақобатда ойдинлашади. Бу — масалалар бир томони. Иккинчи томони, бундан айроқил, ҳар бир соҳада ҳамма билан биргача ҳаётӣ, самарали амалларда қўрилади.

Ойини этак билан ёпиб бўлмайди. Баъзи партиялар ўтиш даврининг бош ислохотчиси сифатида давлат томонидан амалга оширилаётган ислохотларни, яқин-келгуси йил учун режалаштирилган дастурларни ҳеч иккиланмай ўз номларига «расмийлаштириш»га ҳаракат қилмоқда. Бу йил билан узоққа бориб бўлмайди. Ҳар ким ўз ишини қилиши ва ўз сўзини айтиши лозим.

қасдан бузиб талқин этиш ҳеч кимга наф ҳам, обрў ҳам келтирмайди. Таассуфки, жамиятимизда демократик ислохотларнинг муҳим ютуғи бўлиши эркин баҳс-мунозара муҳити юзага келаётган, жамиятнинг ўзи фикрлар ва қарашлар хилма-хиллигини талаб этаётган бир пайтда айнан шундай ноқуш ҳолатларга ҳам дуч келиб турибмиз.

Шу ўринда айтиш жоизки, партиялараро рақобат шароитида сиёсий партияларнинг матбуот органлари зиммасига катта масъулият юкланади. Партия наشري электорат билан ишлашда, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар фаолияти билан сайловчиларни ишчи таништириб боришда, электоратнинг фикр-мулоҳазаларини, жамиятда кечаётган жараёнларга муносабатини, аниқ тақдир ёки эътирозларини депутатлар эътиборига ўз вақтида етказишда муҳим минбарга айланади.

Бундан қўриқиб, партиялараро рақобат партиявий наشرларда эълон қилинаётган, айрим ҳолларда «даҳанаки жанг»ни эслатувчи, матбуот одобиغا амал қилинмаган мақолаларнинг сонидан эмас, партиянинг бевосита ижтимоий-сиёсий фаолиятида, халқнинг руҳига яқин тадбирларида, муаммоларни олдиндан кўра билиш салоҳиятида ва миллий менталитетимизга мос иш услубида қўриқиб олиш керак. Матбуотда, йилларда баҳс-мунозара зарур, аммо бевосита халқнинг ичиди бўлиб, у билан бирга нафас олиш, аҳоли турли қатламлари вакиллари, айниқса, ёшларни эзгу ниятларга, эртанги истиқболли қўнларга ишонтириш ва ўз ортдан эргаштиришнинг самараси қўриқиб олиш керак.

роқ, деган фикрдамиз.

Миллий журналистикада партия матбуоти алоҳида тармоқ сифатида шаклланиб келаётган, ўз йўли ва услубини топаётган, партия нашрлари сайловчилар ишончини аста-секин қозонаётган бир пайтда ўзига нисбатан муросасиз томонни танқид қилишга меъридан ортқ эътибор бериш партия нашини асосий мақсаддан чалғитиши мумкин. Бу борада синовдан ўтган бир ҳақиқат бор — кучли, ўзига ишонган киши ҳаммаша ўзи бевосита шуғулланиши лозим бўлган иш билан банд бўлади, вақтни беҳуда ўтказмайди, ундан унумли фойдаланади, белгиланган режаларни тўла амалга ошириш йўлларини қидиради, кучсиз, заиф томон эса рақобатчинини «тафтиш» қилиш билан кун ўтказиб, имкониёти қўлдан бўй беради.

Партиялар ўртасидаги рақобатда сиёсий партияларнинг аҳоли турли қатламлари орасидаги тарғиб-бот-ташвиқот ишлари муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, партия бошланғич ташкилотлари, туман кенгашларида бўладиган тадбирлар мавзуси ҳаётӣ бўлса, жонли ўтсагина мақсадга хизмат қилади. Афсуски, таъсир кучи суст, оддий йиғилишлар ҳамон учраб турибди. Олдиндан тайёрлаб қўйилган қуруқ, ҳиссиз матни бош кўтармай ўқиб бериш, «Саволлар ёзма равишда берилсин», деган тақдирини қилишнинг ўзи ҳар қандай тадбирни сохталаштиради.

Партиянинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий тадбирлари, пойтахтда ёки олис туманда ўтказилишидан қатъи назар, ҳар жиҳатдан пухта тайёрланиши керак. Бундай тадбирда шу жойнинг ўзига

хос хусусияти, ютуқ-камчилиги, аҳоли турмуш тарзидаги ўзига хосликлар, мавжуд муаммолар, одамлар ҳаётига оид аниқ факт ва рақамлар, бошқа жонли мисоллар ўз аксини томоғи лозим. Аҳоли таркиби кўп миллатли бўлган саноат корхоналари, шаҳарчаларда партиявий тадбир ўтказилаётганда, мисолларни аниқ шу жойга, шу жамога мослаш лозим бўлади.

Партия фаолларининг яна бир камчилиги шундаки, улар тингловчиларнинг бир қарашда қўрилмаган саволларга қўнча етарли даражада жавоб қайтар олмайди. Ҳар қандай саволга хотиржамлик билан, ҳис-ҳаяжонга берилмай, савол берувчини изза қилмай жавоб қайтариши мумкин.

Ушбу мулоҳазалардан англашилаётган ҳулоса шунки, партиявий тарғибот иши ҳаммаша ва барча қўриқиларда, энг аввало, жонли, одамларнинг дилига яқин, самимий ва ёдда қоларли бўлиши зарур. Тадбир ўтказишдан мақсад — бу борадаги режани бажариш эмас, одамларнинг онг-шуурига, дунёқаршига таъсир ўтказиш, партия аъзолари ва уларга хайрихоҳларни мамлакат, миллат тақдирини учун бефарқ бўлмасликка, турли гаразли ниятлардан огоҳ бўлишга даъват этишдан иборат. Бунга эришиш учун партия ўз сафларига халқимизнинг таниқли фарзандлари — адабиёт, санъат ва маданият арбобларини, олимлар, бой ҳаётӣ тажрибига эга мураббийларни, сўзи таъсирчан нотикларни, иқтидорли ёшларни кўпроқ жалб этиши лозим бўлади.

Аҳмад ОҒАЛИЕВ

ЎзХДП Навоий вилоят кенгаши диққатига!

# Беғамликнинг оқибати қимматга тушади

■ Навоий вилоят партия кенгаши бошланғич ҳамда ҳудудий партия ташкилотлари ишини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратаётди. Айниқса, партияимиз маҳаллий кенгашлари ва халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларининг ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш юзасидан аниқ тадбирлар амалга оширилмоқда. Натижада Жамоатчилик қабулхоналари аҳоли муурожаатларида кўтарилаётган масалаларни ижобий ҳал этиш бўйича яхши натижаларга эришяпти.

Шу йилнинг ўтган даври мобайнида туман ва шаҳар партия кенгашларидаги Жамоатчилик қабулхоналарига 500 дан ортқ муурожаат қабул қилинди. Партия кенгашлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларининг ҳамкорлигида шу кунгача уларнинг 70 фозидан ортигига ечим топишга муваффақ бўлди. Маҳаллий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларининг самарали бажарилишини, аҳоли бандлиги, хусусан, касб-хунар коллежлари битирувчиларини барқарор иш ўринлари билан таъминлашда, айниқса, Қизилтепа, Қонимех, Хатирчи туман ва Навоий, Зарафшон шаҳар партия кенгашлари яхши натижаларни кўлга киритмоқда.

Бироқ Навбахор, Учқудуқ, Томди ва Нурота туман партия кенгашлари масъуллари халигача боқибегамлик кайфиятидан чиқиб кета олмапти. Бошланғич ташкилотлар билан ишлаш яхши йўлга қўйилмаган. Сиёсий семинарларни ташкил этиш масаласига ҳам бефарқ қараб келинмоқда. Айниқса, Навбахор туман партия кенгашидаги аҳоли кишини жиддий ташвишга солади.

Партия кенгаши туман кишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси биносида жойлашган. Бу ерда кенгаш раиси лавозими жамоатчилик асосида ташкил этилган бўлиб, асосий масъулият раис ўринбосари Умрзоқ Ҳўжаев зиммасига юкланган. Шунинг учун партия кенгашининг тумандаги ташкилотлар ва жамоатчилик билан ҳамкорлик алоқалари қониқарли эмас. Бу ҳолат бошланғич ташкилотлар фаолиятига ҳам салбий таъсир этапти. Туманда партияимизнинг 48 та бошланғич ташкилоти бўлиб, уларнинг 17 таси маҳалларда ташкил этилган. Фаоллар партияимиз электорати мафрати билан боғлиқ бирор-бир жиддий масалани муҳокама қилмаган.

Туман кенгаши етакчилари ишни тизимли ташкил этишга аниқ депутатлари туман Кенгашига партияимиздан сайланган 10 нафар депутатнинг ўзаро уюшқоқлигига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Натижада партияимиз депутатлик гуруҳи туман Кенгаши сессияларида кўриб чиқиш учун асосли масала киритмаяпти. Муҳокама қилинган масалалар юзасидан аниқ позиция шакллантира олмапти.

Депутатлик гуруҳи раҳбари Тўлқин Аҳмедов ҳамда аъзолар — Абдусалом Назаров, Бахтиёр Саидов, Махмуд Уроқов ва Хайринос Едгорова уларни сайланган ҳудудларда аҳолини ўйлантираётган қандай муаммолар борлигидан яхши хабардор эмас. Депутатлар қайси муурожаат асосида бирор-бир ташкилот ёки масъул шахс олдиға масалани қўйгани ҳақида аниқ мисол айти олмапти.

— Иккинчи гуруҳ ногирониман, — дейди Жамол Зиёев. — Турар-жой масаласида ёрдам сўраб Жамоатчилик қабулхонасига муурожаат қилган эдим. Бир неча марта туман партия кенгашига бордим. Аммо ҳозиргача на депутатлардан, на туман партия кенгашидан тайинли жавоб ололдим.

Юртбошимиз Олий Мажлис палаталарининг қўшма йиғилишидаги муурожаатда илгарчи сурган Концепция мазмун-моҳиятига қўра, сиёсий партиялар, хусусан, унинг маҳаллий ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари зиммасига янада масъулиятли вазифаларни юклamoқда. Шундай экан, Навоий вилоятидаги тегишли туман партия кенгашлари масъуллари ва маҳаллий Кенгашлардаги партияимиздан сайланган депутатлар боқибегамлик, локдайд кайфиятидан тижорат ҳалос бўлиши зарур.

Махмуд ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



Искандар АЗИЗОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси: — Партиявий баҳслар ҳаётӣ, асосли бўлгандагина электорат манфаати, жамият тараққиётига хизмат қилади.

# Биз нима деяпмиз-у ЎзЛиДеП нима дейди?

■ Масала мазмуни билан таниш бўлган муштарийлар жорий йил 2 декабрь кунини ЎзЛиДеП наشريда чиққан «Сукут сақлаш «санъати» сарлавҳали мақола ни ўқиб, ҳайрон қолган бўлса, ажаб эмас. Ушбу мақолада, жумладан, парламентимизнинг қўйи палатасида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги Давлат бюджети лойиҳаси муҳокамасига оид фикрлар ҳам билдирилганини эслатиб ўтамыз.

Шарқ халқлари азалдан кам гапириб, кўп ишлашни фазилат деб билган. Айниқса, масала ўз вақтида муҳокама этилиб, тақдирлар инобатга олиниб, ортқча гапга ўрин қолмаган пайтда яна гапдонлик қилмаслик алоҳида қадрланган.

Парламентдаги фракцияимизнинг фаолиятида Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини таъминлаш масалаларига илгаридан чуқур ўйлаб, жиддий ёндашиш таърибаси мавжуд. 2011 йилги Давлат бюджетининг янги йиғилишида кўриб чиқилишидан олдин у билан боғлиқ барча ҳужжатлар фракциянинг мажлисларида экспертлар иштирокида чуқур ўрганилиб, муҳокама қилинган эди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг кенгайтирилган қўшма мажлисида «2010 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури»нинг ижроси юзасидан парламент эшитиши» ҳам бўлиб ўтган эди. Унда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Иқтисодиёт вазирларининг ўринбосарлари ҳамда қатор идоралар, банкларнинг вакиллари масала юзасидан ахборот берди. Шунингдек, партияимизнинг вилоят кенгашлари раислари, уларнинг ўринбосарлари, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари раҳбарлари иштирокида «2011 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури» лойиҳаси муҳокама этилди. Дастур юзасидан нафақат фракция аъзолари, балки партияимизнинг бошқа фаоллари ҳам уларни қизиқтирган барча саволларга жавоб олинди. Дастур лойиҳаси юзасидан тақдирлар билдирилди.

Мазкур кенгайтирилган қўшма йиғилишнинг тақдироти матбуот ва ЎзХДПнинг интернетдаги веб-сайти орқали кенг ёритилди. Шундай экан, либераллар эриқоқлик қилмасдан, ушбу мақолалар билан озгина танишиб чиққани ҳам иштирок этган эди. Шу билан бирга, 2010 йилнинг 5 ноябрь кунини бўлиб ўтган

танқид учун танқид қилишга зўр бериш одатидан возе кеча олишмаяпти.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, бюджет лойиҳасини муҳокама қилар экан, бизнинг фракцияимиз унинг ижтимоий йўналтирилганлиги ўсганига асосий эътиборни қаратди. Йиғилиш иштирокчилари буни, давлатимиз раҳбари бошчилигида олиб борилаётган, бош мақсади инсон ва унинг фаровонлиги бўлган ислохотлар, мамлакатни модернизациялаш натижаси эканини алоҳида қайд этдилар. Давлат бюджети 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури билан ҳамон ҳамон экани таъкидланди. Баъзи иқтисодий ривожланган мамлакатларда ҳам ишсизлик охиб бораётгани, ижтимоий вазият тараққийлаётган бир пайтда, мамлакатимиз жаҳон миловий-иқтисодий инқирози таҳдидларига қарши қатъий чоралар кўрмоқда. Бу ўз-ўзидан бўлмаётганини ҳар ҳолда либераллар инкор этмас керак. Келаси йилга қабул қилинаётган Давлат бюджетининг ижтимоий харажатлари манзиллиги янада кучаймоқда. Бу партияимиз Сайловдиди дастурида белгиланган голярга тўлиқ ҳамон ҳамон.

2011 йилда қўшимча 950 мингдан ортқ янги иш ўринларини яратишга қаратилган давлат дастури лойиҳасининг бюджет масалалари билан бир пайтда муҳокама қилиниши ҳам тасодифий эмас. Биринчидан, у бандлик даражаси барқарорлигини сақлаш ва натижада иш билан банд бўлмаган меҳнатга қобилиятли аҳоли фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади. Иккинчидан, кўмакка муҳтож кишиларнинг манзилли ижтимоий ҳимоясини таъминлашда Давлат бюджетига хара-

жатлар юқини қамайтиради ва айни пайтда уларнинг бюджет даромадлари ҳамда бюджетдан ташқари ижтимоий жағғармаларнинг шаклланишида иштирокини оширади.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган принципиал ҳужжатларнинг қўллаб-қувватланиши ЎзХДПнинг ҳукуматга мутлоқ саволи йўқлигини аниқлашмайди. Фракцияимиз Давлат бюджетини ва бандлик Дастури лойиҳаларини кўриб чиқиш жараёнида партияимиз электорати манфаатидан келиб чиқиб, фаол қатнашди. Саволлар берилди, аниқлик ва тақдирлар киритилди. Ҳукумат тузилмалари раҳбарларининг бюджет сиёсати ва меҳнат қўбилиятли аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари бўйича ахборотлари тингланди.

Давлат бюджети лойиҳаси янги мажлис муҳокамасига олиб чиқилгунча қадар фракцияимиз ҳукумат вакиллари саволлар беришди, жавоблар олинди ва лойиҳа юзасидан тақдирлар ўртага ташланди. Шундай қилиб, фракция Давлат бюджетини ижтимоий харажатлари манзиллиги янада кучаймоқда. Бу партияимиз Сайловдиди дастурида белгиланган голярга тўлиқ ҳамон ҳамон.

Энди ЎзХДПнинг ЎзЛиДеПга саволлари масаласига келсак, ҳақиқатан ҳам оппонентимизга саволларимиз бор. Бу Давлат бюджети лойиҳаси юзасидан эмас, айрим масалаларда уларни баҳсга тақдир этиш маъносиди эди. Аммо либераллар бунинг фарқига бормаган, маъносини тушуниб етмаган кўринади. Ёки биз билан аҳолий баҳсдан ўзини олиб қочиши маъқул кўрмоқда. Жиддий, профессионал ва аҳолий мунозара ўрнига сўзасоликчи афзал билмоқда.

Президентимиз Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 27 январдаги қўшма йиғилишида

чуқур ўйланган, шу жумладан, муқобил, рақобатбардор лойиҳалар ва ҳар қайси партия ёки ҳаракатнинг аниқ мақсадили вазифаларини ўзинда муҳассам этадиган дастурларни тақдир этган ҳолда, фаол иш олиб бориш даври келганини

алоҳида таъкидлаган эди. Лекин буни либераллар ўз фаолиятининг муҳим тамойилига айлантириш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаганга ўхшайди.

Биз, шунингдек, ички бозоримизни болаларимиз учун мамлакатимизда ишлаб чиқилган, миллий руҳдаги энг яхши ўйинчоқлар билан тўлдириб бўйича аниқ лойиҳалар рақобати ва беллашувига ҳам тайёримиз. Бундай лойиҳалар, Инқирозга қарши чоралар дастурининг ички бозоримизни ташқи ишлаб чиқарувчиларга боғлиқлигини энгиб ўтишга оид тамойилларини амалга оширишга муносиб ҳисса бўлиши шубҳасиз. Қаерда ва қандай технологиялар асосида шундай ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва биринчи навбатда ички ресурсларга таянган ҳолда, бу масалаларда ташаббусни қўйиш юзасидан нима учун баҳслашиб бўлмас экан?

Кўриб турганингиздек, сиёсий партиялар ва уларнинг депутатлик бирлашмаларида ташаббус талаб қилаётган масалалар етарли. Ушбу ва бошқа соҳаларда турли лойиҳалар бўйича баҳс юритишдан аввало мамлакатимиз,

муҳокама қилинган масалаларини самарали ҳал этиш, ислохотларнинг ижтимоий йўналтирилганлигини янада қучайтириш бўйича энг мақбул тақдирлар ана шундай амалий баҳсларда туғилади, деб ўйлаймиз. Шуниси ажабланарлики, бу шароитда ЎзЛиДеП кўтаришган масалаларга чуқур ёндашишдан кўра бизни сув юзидидаги кўпикка ўхшаш юзак баҳсга чорламоқда. Бундай интилиш, бизни биринчи бор ажаблантираётгани йўқ, албатта. ЎзЛиДеП бизни ташаббуссизлик учун танқид қилиб, айни пайтда, ўзининг бирор жиддий ташаббуси кўринмаётганини тан олгиси келмаяпти. Ўтган бир йил давомида ЎзЛиДеП депутатлари томонидан қонунчилик ташаббуси асосида фақатгина Божхона кодексининг моддасини бошқа моддасига мувофиқлаштириш юзасидан тузафиш киритиш ташаббуси амалга оширилмоқда. Шу лойиҳа ҳам айнан ЎзХДП фракциясининг қатъий тақдир билан маромига етказилганини таъкидлаш жоиз.

Очигини айтганда, ЎзЛиДеП тақдир этаётган юзак баҳсга фақат бекорга вақт сарфлангани қолади. Зеро, бундай юзакчилик ҳеч бир партияга ўз дастурий мақсадларини ва 2009 йил сайловларида сайловчиларга берган ваъдаларини бажаришга хизмат қилмайди. Биз электоратимиз манфаатларидан келиб чиқиб, мамлакатимиз фаровонлиги йўлида фаол амалий ҳаракатлар тарафдори бўлганимиз ва шундай бўлиб қоламиз. ЎзЛиДеП биз кўтарган аниқ муаммолар бўйича мунозара юритса, баҳслашишга тайёримиз ва бундан манфаатдоримиз.

Махмуд ТОИРОВ

Замондошларимиз

■ Мустақиллигимизнинг ўтган 19 йили мобайнида барча соҳаларда катта ютуқларга эришилди. Бунёд этилган мухташам бинолар, равон йўллар, салобатли кўприклар, дунёда тобора шуҳрат қозонаётган автомобилларимиз... Бу моддий бойликлар қаторида биз фахрландиган, ёшларимизга ибрат қилиб кўрсатадиган кўплаб замонамиз қаҳрамонлари ҳам етишиб чиқди.

— Мен Бувайдаанинг Шўртепа қишлоғида туғилганман, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, ЎзХДП фаоли Патила Эргашева. — Ота-онамнинг бутун умри пахта даласида ўтди. Ҳатто мен туғиладиган кун ҳам онам бечора белгиланган 200 килограммлик нормани бажаришга мажбур бўлган. Тасаввур қилинг, ўша замонларда режа инсондан азиз ҳисобланган. Биз оилада олти фарзанд эдик. Болалигимда, тонг саҳарда уйғониб кетсам, ёнимда ётган онамни излардим. Лекин у пахта даласида бўларди...



# ҚАҲРАМОНЛИК ЙЎЛИ

Патила Эргашева 1968 йилдан пахтачилик соҳасида меҳнат қилади. Чигит экиш, сугориш, ўтоқ, чопиқ ва етиштирилган пахтани териб олиш каби машаққатли жараёнларда тобланда. Бирок қисматдошлари қатори бири икки бўлмади. Мустақиллик йилларида, деҳқоннинг, пахтакорнинг елкасига офтоб тегди. Ўзи ва меҳнати эъзозланадиган, эътироф этиладиган бўлди. Эркин меҳнат қилиш, ташаббус кўрсатишга имкон яратилди. 2005 йилда «Патилахон» фермер ҳўжалиги ташкил этилди.

— Ишонсангиз агар, мен бир сотих ерни чопиқ қилишда нечта кетмон урилишини ҳисоблаб чиққанман. Ҳар 15 сантиметрга биттадан кетмон урилса, бир метру 20 сантиметр жойга саккизта кетмон урилади. Ҳозир эса замон бошқача. Техника воситаларининг йил сайин ривожланиши натижа-сида деҳқоннинг меҳнати тобора енгиллашмоқда. Барибир, бир нарсани тан олиш керак, ерга, пахтага меҳр берсангиз, у ўзининг мўл ҳосилини беради, сизни боқади, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони.

са кутади. Умид қилади. Энди у фақат ўзи учун эмас, бошқалар учун ҳам яшаши, ишлаши, изла-ниши лозим.

«Патилахон» фермер ҳўжалиги уруғчиликка ихтисослашган бўлиб, 69 гектар ер майдониغا эга. 35 нафар киши ишлайди. Бу йил 24 гектар ерга галла, 43 гектарга пахта экилди. Ҳар йили галла ва пахта режаси ортиги билан баҳариб келинапти.

Ўзинг учун барча шарт-шароитларни яратиб олишинг, ҳаттоки жуда бойиб кетишинг ҳам мумкин. Лекин бировга ёрдам бериш учун инсонда жуда катта қалб, меҳр бўлиши керак. Меҳнат қилиб топганини ҳамма ҳам бировга бергиси келавермайди. Патила Эргашева қишлоғидаги 16-мактабни оталиғига олган. Муаллим ва ўқувчиларга ҳаммаша ҳомийлик ёрдами кўрсатиб келмоқда. Кам таъминланган оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаш масаласига ҳам алоҳида эътибор беради. Қишлоқдаги хаста, меҳрга муҳтож инсонларнинг ҳолидан хабар олиб туришни эса сира қанда қилмайди. Шартнома-тўлов асосида олий ўқув юртига кирган ёшларга ҳомийлик қилишни ўз бурчи деб билади.

— Мен Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзо-симан. Бу партияни аҳоли-нинг ёрдамига муҳтож қатла-мини ҳимоя қилишга қаратилган гоялари учун ҳам танлаганман. Чунки ижтимо-ий ҳимоя масаласи бозор иқтисодиёти шароитида жуда муҳим эканлигини, пенсионерлар, ногиронлар, кам таъминланган ва боқув-чисини йўқотган оилаларга кўмак бериш ҳалқимизнинг азалий қадриятларидан биридир, — дейди Патила Эргашева.

Қаҳрамонлик йўли шунчаки босиб ўтилмайдди. Шунчаки босиб ўтилган уй йўллари эса самара-сиздир. Патила Эргашева билан суҳбатлашар эканман, инсон улғу-вор ишларни қилиши учун энг аввало ватанпарвар, халқпарвар, бағрикенг бўлиши лозимлигини тушуниб етдим. Ҳаётнинг зарба-лари олдида эсанкираб қолмаган, ҳар қандай вазиятда ҳам олдинга интилган одам албатта буюк мақ-садларига эришади. Қаҳрамонлик йўли — ибрат йўли, матонат йўли, озод юрт одамларининг бунёд-корлик, яратувчанлик, бедорлик йўлидир...

Темур АЪЗАМ,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Бандлик

# Кишилар бахт-саодати йўлида...

■ Ҳар бир инсон бахтли яшашни истайди. Бунда у касб-корга, муқим иш жойига эга бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода, аҳоли бандлигини таъминлаш борасида Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилаётган ишлар кишини қувонтиради. Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазири Рашид Аллаберганов билан суҳбатимиз шу ҳақда.

— Давлатимиз раҳбари янги иш жойлари ташкил этиб, аҳолини доимий иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратади. Чунки инсон кадр-қимматини жой-жойига қўйишда, унинг ҳеч қимдан кам бўлма-й яшашида, жамият ривожига ҳисса қўйишида бу муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, Олий Мажлис Сенати «2010 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури тўғрисида» қарор қабул қилган. Унга биноан Қорақалпоғистон Республикасида 2010 йили янги иш жойлари яратиш дастури ишлаб чиқилди. Дастурга кўра, йил давомида 48 минг 118 та янги иш ўрни очилиши лозим. Утган 9 ой ичи-да 36 минг 502 та иш жойи яратилди.

Мажбур қорхоналарни кенгайтириш ва қувватини ошириш ҳисобига 1188 та иш ўрни очилди.

Харакат дастурига асо-сан уйда мол боқиш билан машғул бўлган 2853 нафар фуқаро аниқланди ва Туман бандликка кўмакла-шиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказ-лари назоратида. Уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш жамиятимизда меҳр-қўриқ қўйишига за-мин яратмоқда.

1692 нафар ёлғизланиб қолган кексалар, пенсио-нерлар ва ногиронлар тиб-

бий кўриқдан ўтказилди. Хомийлар уларни керакли анжомлар билан таъмин-лади. Шуниси қувончлики, бу хайрли иш бўлганоб аънамага айланмоқда. Ин-сон азиз, унга эътибор го-ят-да муҳим.

Шу маънода, Кегейли ва Тахтақўпир туманларида ташкил этилаётган ёрдам-га муҳтож ёлғиз кишилар-га реабилитация техник воситаларини вақтинча фой-даланиш учун берувчи ижа-ра пунктлари ишимиз ри-вожига хизмат қилади, деб ўйлайман. Худди шундай пунктлар ҳозир Нукус, Тўртқўл, Чимбой, Эллиқ-қалъа, Амударё ва Ҳўжай-ли туманларида ишлаб ту-рибди. Уларнинг хизмати-дан одамлар мамнун бўл-моқда.

Биз, айниқса, имконияти чекланган кишилар ҳаётдан ўз ўрнини топишига, ҳар бир кун мароқли ўтишига алоҳида эътибор қаратиб келамиз. Яқинда ногирон болалар орасида «Мафту-кор ранглар дунёси» рес-публика расмлар танлови ўтказдик. Кўрик-танловда 7 ёшдан 17 ёшгача бўлган 50 нафар ногирон болалар иштирок этди. Улар мўйқа-лам билан она-Ватанимиз-ни, унинг гўзал табиятини, озодлигимизни, унинг ша-рофати билан бунёд эти-лаётган мухташам қошона-ларни, янги турар-жой мас-канларини таранум этган. Мазкур танлов голиблари қимматбахш совғалар билан тақдирланди.

Биз жорий йилнинг яку-нигача яна 12395 та янги иш ўрни очиб ниятдамыз. Бу анчайин гап эмас, бал-ки амалий асосга эга. Ҳў-жайли туманидаги «Ҳўжай-ли текстил» қорхонасида 50 та, Эллиққалъа туманида-ги «Обод» МЧЖда 30 та,

Тўртқўл туманидаги «Хуса-йин-тонг» қорхонасида 30 та, «Озод шароф» МЧЖда 57 та, Нукус шаҳридаги «Бибайим-Нукус» қорхона-сида 60 та, Тахياتош шаҳ-ридаги «Камол-Жамол» қорхонасида 10 та, Кегей-ли туманидаги «Жайхун-Ке-гейли» МЧЖда 19 та янги иш жойи яратилади.

Шуни ҳам айтиш керак-ки, касб-ҳунар коллежла-ри битирувчиларини ўз вақтида ишга жойлашти-риш ҳар биримиздан ало-ҳида масъулият талаб эта-ди. Бу борада қатор ама-лий ишлар қилинмоқда. Би-роқ натижа қониқарли эмас, камчилик кўп, бу иш муай-ян тизим сифатида шакл-ланмагани доим муаммо туғдиради. Ёшларни му-тахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш го-ят муҳим, назаримда, теги-ли ташкилотлар талаб ва эъ-тиҳ асосида соҳалар бў-йича ўқини ва иш ўринла-рини мувофиқлаштириб бориши лозим.

Янги иш ўринлари таш-кил этишда кампаниячи-ликка йўл қўйиб бўлмай-ди. Очаётган ҳар бир иш ўрни истиқболли бўлиши, унинг натижаси жамиятга фойда келтириши лозим, деб ўйлайман. Бу эса, етти ўлчаб бир кесишни талаб этади.

Биз бу борада муайян тажриба тўпладик. Шундан оқилона фойдаланиб, ки-шилар бахт-саодати, тур-муш фаровонлиги йўлида-ги ишчимизни янада тако-милаштиришимиз, ҳар бир худуд истиқболли ўзимиз-га аниқ тасаввур қилиши-миз, ҳар бир қадамимизни шунга мослаб босишимиз керак.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Муаммо

# Қорхона фаолияти тўхтаб қолди

## ЎзЛиДеП бу масалага қандай қарайди?

■ Деновлик Ҳасан Жўракулов 2008 йилда ҳукумати-миз томонидан яратилган қулай имкониятлардан фойдаланган ҳолда, банкдан 100 миллион сўм имти-ёзли кредит олиб, «Смарт-текстил» масъулияти чекланган жамиятга асос солади. Бу ерда тез орада 60 нафар хотин-қиз иш билан таъминланиб, аёллар ва болалар учун 20 турдан ортиқ замонавий ва арзон либослар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Хориждан келтирилган 125 миллион сўмлик тикув машиналари ва бошқа за-монвий ускуналар ўрна-тилгач, ишлар янада жа-даллашди. 2009 йилда қиймати 32 миллион сўмдан ортиқ кийим-кечак маҳсулотлари тайёрланган-ни бунинг аққол исботи-дир.

— 2010 йилни ҳам бир олам орзулар билан бош-лагандик, — дейди бош-қарув раиси Ҳабибулло Мамадиев. — Маҳсулот ту-рини кўпайтириш, сифати-ни яхшилаш, энг муҳими, келажақда жаҳон бозори-га чиқиш... Аммо ниятла-римиз саробга айланди. Хуллас, галла мавсуми

бошланиши арафасида ви-лоятдаги мажхуд (Қумкў-рғон, Сариев, Шўрчи, Олтинсой, Қизриқ, Музработ, Шеробод, Бандихон, Ангор, Жаркў-рғон, Термиз туманла-ри) машина-трактор парк-ларидан бюртмалар ол-дик. Уларга 21 миллион 487 минг 400 сўмлик ма-хус кийим-бош ва тўлиқ жамланма (комплект) ти-ки беришга шартномалар тузилди. Зудлик билан 20 миллион сўмдан ортиқ пул-га Тошкентдан зарур ма-териаллар келтирилди. Махус кийимларни ўз вақ-тида бюртмачиларга етқа-зиб бердик ҳам. Пул тўлашга келганда эса...

Буюртмачилар ҳамон жим. Хуллас, МТП мута-саддилари ўз ишларини битказиб, қарздорлик масъулияти тўғрисида ўйламаётган кўринади. Бўлмаса, жамиятдан қар-зларини аллақачон узган бўлишарди.

— Олти нафар хотин-қиз тўрт ойдан буюн иш-ламаяпти, — дейди тикув-чи Сафартош Тўраева. — Ҳар ойда ўртача 200-250 минг сўмдан маош олаёт-гандик. Бундан ташқари, моддий ёрдамлар бери-ларди. Энди билмадим, қачон чақиршаркин?..

— Фаллақорларга махус кийим тикиб берилганидан кейин кўп ўтмай, жамия-тимизда иш тўхтади-қолди, — давом этади ти-кувчи Юлдаз Азизова. — Бугун барча аёллар уйда... «Смарт-текстил» масъу-лияти чекланган жамият ва бюртмачи МТПлар ўрта-сида тузилган шартнома-ларнинг 3-бўлим, 3-4-бан-дида «Бошқа ташкилот-ларга олинган товарлар

учун ҳисоб-китоблар ол-диндан 100 фоиз пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади», дей-илган бўлса, 3-5-бандда «Тизимдаги ташкилот-лар олинаётган товар суммасининг 15 фоиз-дан кам бўлмаган миқ-дорда олдиндан тўлаб, қолган суммани 90 кун муддат ичида тўлаб бе-ришлари» қайд этилган. Аммо шартнома шартла-ри «Буюртмачи»лар томони-дан умуман бажарилмаган.

...Айни кунларда қорхона-нинг солиқ ва бошқа тўловлардан ҳам қарзи бор. Мутасаддилар эса қандай йўл тутишни бил-май аросатда. Ишни да-вом эттириш учун сармоя йўқ, ишчи-хизматчи ва ти-кувчилар аллақачон кетиб қолишган.

Ҳозир бир қорхонани очишга қанча вақт ва маб-лағ кетишини ўйласак, иш-лаб турган қорхонани сақ-лаб қолш нақадар зарур-лигини англаймиз. Ишиб-лармон ва тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя эти-шни ўз зиммасига олган, бу борада катта ваъдалар берган ЎзЛиДеП вакилла-рининг мазкур масалага муносабати ўзларига ҳаво-ла. Аммо ишчи ўрни яра-тилишдан манфаатдор бўлган ЎзХДП Денов туман кенгаши томошабин бўлиб қолмаслиги зарур, деб ўйлаймиз.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

8 декабрь — Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинган кун

# Ёшларнинг муқаддас бурчи

■ Демократик тараққиёт йўлини танлаган ҳар қандай жамият олдида, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, улар қалбида Конституция ва қонунлар асосида яшаш туйғусини шакллантириш вазифаси туради.

Асосий қонунимиз қабул қилинганидан буён унда белгиланган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ғоялар жамиятимиз ҳаётида босқичма-босқич ўзининг амалий ифодасини топмоқда. Мамлакатимиз ҳаётида юз бераётган бундай ўзгаришлар, ҳоҳ у иқтисодий, ҳоҳ сиёсий йўналишда бўлсин, барчаси ягона мақсад — ҳар жиҳатдан ривожланган демократик давлат барпо этиш, халқимиз турмуш даражасини яхшилаш, энг муҳими, ўзимизга хос тараққиёт йўлининг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлашга қаратилган. Бу бир томондан, Конституциямиз бугунги ва эртанги тараққиёт йўлининг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилаётганини кўрсатса, бошқа томондан, унинг замон билан ҳамнафас, халқор ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойиллари билан уйғун, бир сўз билан айтганда, халқчил қомус эканидан далолат беради.

Дарҳақиқат, Конституция жамият ва давлат, қолаверса, ҳар бир инсон, ҳар қайси оила ҳаётида муҳим ўрин тутди. Ҳеч бир фуқаро ўз ҳаёти ва келажагини Конституциясиз тасаввур эта олмайди. Бош қомусимизда белгиланган ҳуқуқий қарорлар самараси ўлароқ, бугун Ўзбекистон ёшлари дунё кўз ўнгида юксак доvonларни забт этмоқда. Яна ҳам аниқроғи, ёшларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг замонавий илмларни чуқур эгаллаши, етук касб-хунар эгаси, келажакнинг муносиб вориси бўлиши йўлида амалга оширилган ишлар, яратилган имкониятларга Конституция ҳуқуқий пойдевор вазифасини бажариб келмоқда.

Жаҳоннинг бирон-бир мамлакатиде Президент ташаббуси билан у ёки бу йилнинг «Соғлом авлод йили», «Ёшлар йили» ёки «Баркамол авлод йили» деб эълон қилинганини, шу муносабат билан махсус давлат дастурлари ҳаётга татбиқ этилганини эшитганимиз? Му-

болага қилаяпти, деманг-у, бугун бу эзгу аънава ҳақли равишда мустақил Ўзбекистон тараққиётининг, унинг демократик сиёсатининг муҳим жиҳатига айланди. Шуни айтиш керакки, бугун юртимизнинг чекка-чекка жойларида яшовчи ёшлар ҳам замонавий технологиялар билан жиҳозланган шинам ўқув масканларидан таълим олмақда. Конституцияда ҳар қайси фуқаронинг билим олиш ва меҳнат қилиш ҳуқуқи кафолатланган. Бугун чуқур билим ва малакага эга бўлишни истаган ёшлар нафақат юртимизда, балки хорижнинг энг нуфузли олий ўқув юртиларидан турли соҳалар бўйича таҳсил олмақда. Қувонарлики, Ўзбекистон ёшлари ўзи ўқитган жойда туриб, Гарвард, Оксфорд, Кембриж, Нагоя сингари дунёнинг машҳур университетлари билан тўғридан-тўғри алоқа қилаётган, у ерда таҳсил олаётган талабалар билан ўзаро тажриба алмашаётган. Мана шу миллимизнинг ўзидек, жамиятимизда ёшларга, уларнинг тақдирига, орзу-интилишларига бўлган эътибор давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланганидан, бу борада ўзига хос ҳуқуқий тараққиётга эришилганидан далолат беради.

Албатта, бугун ёшларимизнинг халқро муқаддас қўлга киритаётган ютуқлари ҳақида ҳар қанча гапирсак, оз. Лекин назаримизда, айна пайтда мустақилликни мустаҳкамлаш, тинч ва осуда ҳаётимизни қадрига етиб яшаш, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш ҳар биримизнинг олдимиздаги масъулиятли бурчдир. Шу маънода, ҳўш, бугунги ёшлар Конституцияда белгиланган қўлланган қарорлардан бир хилда фойдаланаяптими, ўзларига билдирилган умид ва ишончни оқлаяптими, деган кўпдан-кўп саволлар туғилиши табиий. Ҳаёт бугун ҳар бир кишидан, айнақса, ёшлардан билдирилган ишончни оқлашни, мамлакатимизда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида фаол бўлишни, шижоат ва фидойиликни талаб этмоқда. Ваҳоланки, ҳар қандай давлатнинг ҳуқуқий тараққиёти кўп жиҳатдан фуқароларнинг, айнақса, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлиги юксалгани, улар қалбида ватанпарварлик туйғусининг устувор ғояга айлангани билан боғлиқ эканини жаҳон мамлакатлари тарихидан яхши биламиз.

Конституциямизнинг қадриқимматини ҳеч нарса билан ўлчаб, тенглаштириб бўлмайди. Чунки унда мустаҳкамланган қоидалар замирида халқнинг, миллатнинг, қолаверса, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари муҳассама. Конституцияни азиз ва муқаддас деб билиб, ундаги қоидалар асосида яшаш ҳозирги авлоднинг бугунги ва келгуси ҳаёти адолатли бўлишини ҳар жиҳатдан кафолатлайди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидан бораётган мамлакатимизда ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш муҳим вазифадир. Конституциянинг устуворлиги эса ҳар биримиздан, айнақса, ёшлардан улкан масъулият талаб этади. Бу масъулият — Конституция ва қонунларни билишдан, уларга қатъий амал қилиб яшайдан иборат. Бу эса вояга етмаган авлод Конституцияни чуқур ўрганиши зарурлигини тақозо этади. Зеро, Конституцияни ўрганиш, унинг мазмунини ифодоловчи ҳуқуқий меъёрлар моҳиятини теран англаш, уларга онгли равишда амал қилиб яшаш — қонун устуворлигига эришишнинг муҳим шартидир.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойишида кўзда тутилганидек, Конституциямизнинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, маъно-мазмуни ва моҳиятини теран англаш ҳар бир ўғил-қизнинг фуқаролик бурчига айланмоғи лозим.



## «ЎЗВИНОСАНОАТ-ХОЛДИНГ» КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

Юртошларимизни  
8 декабрь — Ўзбекистон

Республикаси  
Конституцияси  
қону муносабати  
билан муборакбод  
этади.

Жаннатмонанд  
юртимизнинг  
бугунги  
осуда ҳаётига асло  
кўз тегмасин,  
хонадонларингизга  
тинчлик-  
хотиржамлик,  
файзу барака  
тилаймиз!

Ҳусан ТУРСУНОВ,  
Тошкент давлат юридик  
институтини ўқитувчиси.

# ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ — БАРЧАГА МАДАД

Иқтисодий ва ислоҳот



## дейишмоқда «Агробанк» ОАТБ Наманган вилоят бошқармаси мижозлари

■ Мамлакатимизнинг йирик молия муассасаларидан бири «Агробанк» очик акциядорлик тижорат банки иқтисодий ислоҳотлар ривожига катта ҳисса қўшаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Айнақса, унинг Наманган вилоят бошқармаси ўтган йил яқунлари ва жорий йилнинг ўн бир ойлик натижалари бўйича яхши кўрсаткичларга эришиб, мижозлари ишончини мустаҳкамлади.

ни сотиб олди. «Пуллатвой Собиржон Жобиржон» хўжалиги раҳбари Абдувоҳид Ҳалипов ҳам «Агробанк» фаолиятидан манун. Бу хўжалик ҳам ташкил этилгандан буён банкнинг Жумашўй филиали молиявий кўмағида кўпгина ютуқларга эришмоқда. Яқинда хўжалик аъзолари янги бир ташаббус билан чиқишди. Президентнинг «Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан руҳланиб паррандачиликни ривожлантиришга қарор қилишди. Тегишли лойиҳа режаси тузилгач, банк филиалига мурожаат қилинди. Ариза банк томонидан чуқур ўрганиб чиқилиб, бизнес-режа таҳлил қилинди. Ниҳоят, унга 400 миллион сўм кредит ажратилди. Ҳозир хўжаликдаги ишлар тобора ривожланиб бормоқда. Қўллаб янги

иш ўринлари яратилди. Банк бошқармасининг Чуст филиали мижози «Сайқал қурилиш сервис» ҳусусий корхонаси раҳбари Шухратжон Файзиев ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қарор қилибди. Қисқа муддатда сутни қайта ишлаб, турли маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Хорижий мамлакатларни илғор фирмаларидан замонавий дастгоҳлар ва технологиялик линиялар ҳамда қадоклаш материаллари олиб келинди. Банк филиали эса уларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турибди. Яқинда корхонага 100 миллион сўм кредит ажратилгани фикримиз далилидир. Қисқа фурсатда 15 та иш ўрни яратилди. Корхонада тайёрланган маҳсулотлар харидорлиги охиш бораётган.

«Агробанк» ОАТБ Наманган вилояти бошқармаси жамоаси мижозлар сонининг барқарорлигини таъминлаш ҳамда янги корпоратив мижозларни жалб этиш мақсадида жорий йил давомида қатор тадбирларни амалга оширди. Банк қадимдан «Баркамол авлод йили» давлат дастури ижросини таъминлаш бўйича 2010 йилда касб-хунар коллежлари битирувчиларига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун 57 млн. сўм кредит ажратилди ва кредит ҳисобига 34 та иш ўрни яратилди. Олий таълим муассасалари битирувчиларига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун 238 млн. сўмлик кредитлар ажратилди ва кредит ҳисобига 53 та янги иш ўринлари яратилди.

Банк капиталини янада ошириш мақсадида шу йил 10 июлида бўлиб ўтган «Агробанк» акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарорига асосан 2009 йил якуни бўйича акциядорларга ҳисобланган 15 фойизли дивиденд суммасини банк акцияларининг номинал қийматини оширишга, яъни 1000 сўмлик акцияларига 1150 сўмга оширишга қарор қилинди. Капиталлашув жараёнининг амалга оширилиши муносабати билан бошқарманинг Устав капиталга 517,5 млн. сўмга кўпайди.

Бундан ташқари, аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини банкка жалб қилиш мақсадида «Агробанк» бошқаруви томонидан жисмоний шахслар орасида жойлаштириш учун 2010 йил май ойидан бошлаб муомалага чиқарилган омонат-депозит сертификатларидан 40 млн. сўмлик вилоят бошқармаси тўман бўлимлари томонидан аҳоли орасида жойлаштирилди ва бу облигацияларни сотиб олган шахсларга ўтган давр мобайнида жами 10,4 млн. сўм миқдорда фойзалар тўланди. Шунингдек, банкнинг кредит бериш имкониятини янада ошириш мақсадида жорий йил август ойидан бошлаб «Агробанк» ОАТБ бошқаруви қарорига асосан юридик шахсларга сотиш учун узок муддатли корпоратив облигациялар муомалага чиқарилди. Бугунги кунга келиб, ушбу облигациялар 37 млн. сўм миқдоридан сотилди. Юридик шахсларнинг ушбу корпоратив облигациялардан олган даромадлари Президентнинг 2009 йил 28 июлдаги қарорига асосан солиқдан озод этилган.

Миришкор дехқон Моҳиржон Кўчқоров экин майдонларини айланиб чиққач, қувончини яширмади. Негаки, унинг бошчилигидаги «Мустақил» хўжалиги аъзолари томонидан сентябрь ойи охирида уруғ сеппилган майдонларда бугдойзор яшнда ётибди.

Бу хўжалик ҳар йили шартнома мажбуриятларини ортиги билан бажаради. Жорий йилда ҳам шундай бўлди. Аввалига

давлат буюртмаси бўйича галла топшириш режасини ортиги билан удалашган эди. Октябр ойи бошларида эса пахтадан ҳам мўл ҳосил кўтарилганди. Бундай ютуқларда «Агробанк» очик акциядорлик тижорат банки Наманган вилоят бошқармасининг Поп филиали ёрдами катта бўлмоқда. Масалан, яқинда банк филиалидан олинган навбатдаги кредит ҳисобига «Класс-Доминатор» комбайни-

Вилоятдаги маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш бўйича анча ишлар қилинди. Бундай корхоналарнинг барқарор ишлашини таъминлаш, ташқи бозорларда рақобатбардошлигини ошириш учун уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида қатъий ҳаракатлар қилинди.

Президентнинг «Иқтисодий-реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш учун уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида қатъий ҳаракатлар қилинди.

Президентнинг «Иқтисодий-реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш учун уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида қатъий ҳаракатлар қилинди.

Президентнинг «Иқтисодий-реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш учун уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида қатъий ҳаракатлар қилинди.

Президентнинг «Иқтисодий-реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш учун уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида қатъий ҳаракатлар қилинди.



Вилоят бошқармасида, шахар ва туман филиалларида омонат тушувлари 2010 йил 1 ноябрь ҳолатига аҳоли омонатлари қолдиги жами 24 миллион сўмни ташкил этиб, жорий йилнинг 1 январига нисбатан жами омонат қолдиги 5,3 млн. сўмга ўсиши таъминланди.

Бошқарма филиаллари томонидан кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йил давомида барча молиялаш манбалари ҳисобидан 859 та хўжалик субъектларига 19,5 млн. сўмдан зиёд қисқа ва узок муддатли кредитлар ажратилди.

Масалан, Тўрақўрган филиали мижози бўлмиш ривожланиш дастурига киритилган «Дилрабо СДА» кўп тармоқли савдо ишлаб чиқариш фирмасига 100 млн. сўм миқдорда айланма маблағини тўлдириш учун кредит ажратилди ва бунинг эва-

буларнинг барчаси банк бошқармаси ходимлари мижоз учун, унинг манфаатлари учун ишлайётганлигидан далолат беради. Демак, мижоз хурматига, ишончига сазовор бўлиш — уларнинг эзгу ниёти.

Шоҳйодор МИРҲАБИВОВ,  
Мирбхотир МИРҲАБИВОВ,  
«Ўзбекистон овози»  
мухбирлари.

Табиат ва биз

# Айдаркўлга оққушларнинг қайтганлиги рост бўлсин

ёхуд Айдар — Арнасой кўллар тизими, унинг табиати, атроф-муҳитга таъсири, ҳайвонот ва наботот олами ҳақида



Айдар — Арнасой кўллар тизими Жиззах вилоятининг ғарб томонида, Навоий вилояти билан чегарадош ҳудудда жойлашган. Айни пайтда умумий ер майдони 3508 квадрат-километрдан кўпроқ, сув ҳажми эса 40,36 куб-километрга тенг, узунлиги қарийб 370 километргача чўзилган. Мазкур сув ҳавзаси ўрнида асримиз бошларида ҳам «Тузкон», «Катта тузли кўл» мавжуд бўлган.

1904 йилда Санкт-Петербургда нашр этилган «Катта Кабуснома»да бу ҳақда шундай дейилган: «Самарқанд вилояти Жиззах уезди Нурота тизма тоғларининг шимолий ён-бағрида тузли кўл жойлашган. Унинг узунлиги 27, эни 13 чакирим. Бу кўл воҳанинг кўлгина қисмини туз билан таъминлайди. Ҳар йили 200 минг пуд туз Бухоро амирлигига ҳам сотилади. Тузли қора баликчалар соғлиқ учун жуда шифобахш. Улардан маҳаллий халқ фойдаланади».

Бу жойларнинг кейинги тарихи бироз бошқача кечди. Табиати инсон измига бўйсундириш деган ташунадан келиб чиқилган ҳолда кўл ва унинг тақдирини бефарқ, кўр-кўрона муносабат юзага келди ва яна ҳам ачинарлиси, бундай нотабий, зўравонларча муносабат хийла узок давом этди. Бундан кўл ҳам, атроф-муҳит, одамлар ҳам факат зарр кўриб келди. Қиши нисоятда қаттиқ, серёгин, сертошқин келган 1969 йилда эса Чордара сув омборидан жуда кўп микдордаги сув-

нинг бу томонга ташлангани натижасида қадимги Тузкон Нурота тизма тоғларининг бир тармоғи — Писталитоғдан 5-10 чакирим шарқда тор бўғоз орқали Айдаркўл билан қўшилди. Оқибатда кўл сатҳи кенгайди, туби чуқурлашди. Шу тариқа табиатта жиддий зиён-заҳмат етди. Қолаверса, Мирзақўл ерларини ўзлаштириш жараёнида йиллар давомида Марказий коллектор, канал баликчалар соғлиқ учун жуда шифобахш. Улардан маҳаллий халқ фойдаланади».

уни тутишининг эса тобора қийинлашиб боришига олиб келди. Бориб-бориб, кўлнинг Арнасой тумани ҳудудида фаолият юритаётган ва анча-мунча даромад келтираётган махсус баликчилик ҳўжалиги, балик дудлаш қорхонаси ҳам тугатилди. Кўллар ва уларнинг ён-атрофларидан анчайин фойз кўтарилди, ҳайвонот ва наботот дунёсига жиддий путур етди. Оқибатда кўл ва унинг бой ҳайвонот ва наботот олами сизу бизнинг кўмагимизга, одамларнинг ёрдамига муҳтож бўлиб қолди.

Шуни ҳам айтиш керакки, Чордара сув омборидан Айдаркўлга сув ташлаш ҳамон давом этмоқда. Шунинг оқибатида жуда кўп яйловлар, ҳатто аҳоли истиқомат қилган масканлар сув остидан қолиб кетди. Аммо бу алоҳида мавзу. Биз бугун кўллар тизими қандай аҳволда, шу ҳақда сўз юритамиз. Кўллар тепасида сувга тўш уриб учаётган ўнлаб турдаги қушлар, қирғоқларидан югуриб юрган жайронлар, шу ерлардан ризку насибасини топаётган бошқа турдаги

жониворлар, факат тоза сув билан тирик зогора балик, судак, лаққа, вобле, леш, нобў увулдирик беррадиган жерик, илонбош сингари балик турларининг аҳоли не кечаяпти? Бу ердаги балчилик кўл, ундаги мавжуд бўлган инсон сало-матлиги учун қони фойда, шифобахш қора балчилик-чи? Ундан тиббий муассасаларимиз фойдаланаяптими? Шу каби кўлаб саволларга жавоб топиш мақсадида кўл сари отландик, унинг қирғоқлари бўйлаб кездик, одамлар, мутахассислар, мутасаддилар билан суҳбат қурдик.

Эътироф этмоқ жоизки, кўл қирғоқлари бағоят сўлим, мафтункор ва сокин қўринадди, сирли ва синопатли бўлиб туюлади. Бу ерлар шу қадар бетакрор, жозибали, кўркам қўринишлар кашф этганки, таърифлашга қалам ожиз. Ёввойи табиат қўйини юзлаб бири-биридан чиройли, сайроқ парранда-ю даррандаларнинг макон тутгани бежиз эмас экан-да, деган хулосага келасиз. Тўқайзорлар беданаларга, тустовуқларга бирам бойки, қамшлар ўсиб ётган жойларда турфа хил қушлар шундай хониш қиладикки, асти қўяверасиз. Тўқунлар узра учган оққушлар, кўл бўйлаб қанот қоққан гошлар, ўрдаклар, юлғинзорлар оралаб ризқ ах-

тариб юрган лойхўрақлар...

Кўл ва унинг атрофлари учун хос бўлган ҳайвонот олами айтмай-сизми? Юлғин, қамшларнинг ораси, тўқайзорлар қўён, тулки, чия-бўри, тўғиз, қашқир, жайра, илон, қирпи, тошбақа, айқ сингари кемирувчи, судралувчи, ҳатто, йиртқич ҳайвонларга серблиги билан ажралиб туради. Уларнинг орасида «Қизил китоб»га киритилганлари ҳам анча-мунча. Шифобахш гиёҳлар, табиий ўт-ўланлар эса тиззага уради.

Айдаркўлнинг 205000 гектар майдонни эгаллаган қисми вилоятимизга тегишли ҳудуд саналади, — дейди Жиззах вилоят табиати муҳофазат қилиш бошқармаси ер ва сув ресурсларини муҳофазат қилиш инспекцияси бошлиғи Илҳом Сафаров. — Кейинги йилларда унинг айрим ҳудудлари, аниқроғи 139850 гектари фуқароларга ижарага берилган. Бундай тадбирнинг қўлланилиши кўл учун ҳам, ундаги жониворлар, атроф-муҳит учун ҳам жуда фойдали бўлди, десам, янгилишмасам керак. Биринчидан, бу ерлардан кўл ва унинг табиатига, неъматларига тажовузкорона муносабатда бўлаётган турли тоифадаги браконерларнинг қадами қирқилди, иккинчидан, ҳайвонот ҳамда ўсимликлар дунёсига муносабат яхшиланди, уларни асраб-авайлаш, боқиш, парваришлаш, кўпайтириш чоралари қўрилмоқда. Буни баликлар ва уларнинг турлари кўпайганидан, шу атрофга тегишли ҳайвонот ҳамда наботот оламидаги ижобий ўзгаришлардан ҳам билса бўлади. Масалан, бундан 10 йил муқаддам кўлдаги мавжуд балик турлари 5-6 хилни ташкил этган бўлса, айни пайтда уларнинг 10-12 хилни учратиш мумкин. Кейинги 10-15 йилда паррандалар тури 12-14 тадан 20-26 тага, бошқа хил жониворлар 18-20 дан 30-34 тургача кўпайди. Шунга муносиб равиш-

да уларнинг микдори ҳам йилдан-йилга ошиб бораётгани кишини қувонтиради. Айдаркўлга нисбатан муносабат масаласидаги ўзгаришлар самараси ўлароқ ўтган йили ҳудудда 102 та янги иш ўринлари яратилди, 104 тоннадан зиёд балик халқимиз дастурхонига етказиб берилди.

Айдаркўлга яқин жойда, Мирзақўл туманидаги чекка «Гулзор» қишлоғида истиқомат қиламан, — дейди фуқаро Файзулла Эсонов. — Кўлнинг кейинги 20-30 йиллик тақдирини озми-кўпми хабарим бор. Очиги, собиқ иттифоқ даврида у қаровсиз, эътиборсиз қолган ва бу атрофларни браконьерлар, ўзбошимча овчилар доимий тарзда макон тутган эди. Баликлар, турли-туман жониворлар, фойдали ўсимликлар хийла камайиб кетди. Шамол ва тўзонларнинг тева-рак-атрофга шўр сув ҳамда туз зарраларни тарқатиши оқибатида овул ва қишлоқларнинг аҳолиси азият чека бошлади. Аҳвол шу даражага бориб етдики, 1994 йилга келиб, кўлдаги сув сатҳи саксонинчи йилларга нисбатан 6,5-7 метргача кўтарилди ва денгиз сатҳидан 244 метр балангликни ташкил этди. Катта майдондаги сувнинг бугуналиши эса шу атроф ҳавосининг ўзгаришига олиб келди...

Хартугул, ҳаммаси ортда қолди. Мустақилликдан кейинги дастлабки йиллардан кўлга, унинг атрофидида табиий бойликларга муносабат яхшилик томон юз тутди. Эндиликда бу ерларнинг эгалари бор. Ҳар ким келиб, кўнгли тусаган ишни қилиб кетолмайди. Тузга ва бошқа хил химикатларга тўйинган оқва сувларнинг кўлга қуйилиши ҳам тобора камайиб бораёттир. Булар ўз навбатида фойда, тева-рак-атрофга яна фойза, яна барака, ўзгача кўрк, ўзгача манзара бағишлаяпти. Ҳатто, анча-

дан бери бу томонларга келмай қўйган оққушлар ҳам 3-4 йил-дири, яна қайтиб келди. Аслида, оққушлар табиатан тоза сувни, покиза жойни, хушманзара маскани макон тутадиган, осудаликни, осойишталикни ёқтирадиган жониворлар саналади.

Айдаркўлнинг сарҳадлари кенгайиб бораёпти, — дейди Жиззах туманидаги Қулама қишлоғида истиқомат қилаётган табиат шайдоси Эркин Аширматов. — Унинг бир чеккаси бугун Навоий вилоятининг Қонимех тумани яйловларигача бориб етган. Пайдо бўлган оролчалар, кичик-кичик кўлчалар, уларнинг атрофлари хилма-хил қушлар, жониворлар, ўсимликларга бой.

Сарҳадлари бамисоли уфқ билан туташган бепоеён кўл. Ўтган йили Халқаро Рамсар Конвенцияси томонидан муҳофазатга олинган Айдаркўлнинг суви ҳалқа-ҳалқа бўлиб жимирлайди, мавжланади. Катта-кичик тўқинлар шовуллайди, шиддат билан қирғоққа бош уради. Қуёш нури таъсирида қумшсимон товланаётган сувда баликлар ўйноқлаб сузади. Ана, уч-тўрттаси юзага қалқиб чиқди ва олтинранг тангачаларини ялтиратганча зум ўтмай яна сув қаърига шўнғиди. Бехос ён томонда юлғинзор шитирилади. Угириб қарайман: кулранг қўён қулоқларини динг қилганча қочиб бораёпти. Хув нарида, қамшлар орасида бир жуфт оққуш бамайлихотир сузиб юрибди. Улар узун, чиройли бўйларини чўзиб, тумшуклари билан сув остидан ўзларига ризку насиб ахтарди...

Буларни асраб-авайлаш, турли сабаблар билан юзага келиши мумкин бўлган муаммоларнинг олдини олиш ҳақида ўйлаш эса ҳаммаимизнинг бурчимиз.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,  
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

## «Сурхонозиқ-овқатсаноати» очик акциядорлик жамияти жамоаси

Муқаддас заминимизда истиқомат қилаётган

барча юртдошларимизни Асосий Қонунимиз — Ўзбекистон Республикаси

Конституцияси қабул қилинган куннинг 18 йиллиги муносабати

билан самимий муборакбод этади.

**Дунёда ҳамма нарса ўткинчи. Фақат Ватан — мангу,  
Ватан — абадий. Ватан тараққиётига ҳисса қўшиш эса  
катта бахт.**

**Мустақиллик йилларида мамлакатимизда беқиёс  
бунёдкорлик ишлари амалга оширилди, мисли кўрилмаган  
ютуқларга эришилди. Бунда озгина бўлса-да қорхонамиз  
жамоасининг ҳам ҳиссаси борлигидан фахрланамиз.**

**Биз бундан буён ҳам элимиз, юртимиз фаровонлиги  
йўлида сидқидилдан меҳнат қиламиз.**

**Байрамингиз қутлуғ бўлсин, муҳтарам юртдошлар!**



Футбол

# ОСИЁ ЎЙИНЛАРИДАГИ МУВАФФАҚИЯТСИЗЛИК

## ҳақида мураббий, мутахассис ва мухлислар нима дейди?

Бундан ўн олти йил муқаддам Хиросимада ўтган XII ёзи Осие ўйинларида Ўзбекистон терма жамоаси бир-бирдан чиройли галабаларга эришиб, чемпион бўлганди. Ўтган давр мобайнида бу кўрсаткич вакилларимиз томонидан такрорланмади. Афсуски, футболчиларимиз Бангкок (Таиланд, 1998 йил), Пусан (Жанубий Корея, 2002 йил), Доха (Қатар, 2006 йил) яшил майдонларида ишқибозларимиз ишончини оқлай олишмади.

Яна икки йилдан сўнг, Лондонда навбатдаги ёзи Олимпия ўйинлари бўлиб ўтади. Ер кurrasининг ушбу нуфузли мусобақаси саралаш учрашувларига пухта ҳозирлик кўришини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон футбол федерацияси Гуанчжоуда ўтказилган XVI ёзи Осие ўйинларига Аҳмад Убайдуллаев бош мураббийлик қилаётган мамлакат олимпия терма жамоасини жўнатишни маъқул топди. Аммо қуанда бу мусобақада футболчиларимиз кўрсатган ўйинлар ва қайд этган натижалар миллионлаб мухлисларимизни ранжитди. Хўш, олимпиячиларимизнинг чиройли ва ҳужумкор футбол намоиши этишларига нима тўсиқлик қилди? Бу ҳақда мураббий ва мутахассислар, футболчи ва мухлислар фикри қандай?

### Аҳмаддон УБАЙДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон олимпия терма жамоаси бош мураббийи:

— Албатта, мусобақада кўрсатган ўйинимиздан кўнглимиз тўлади. Бу борада ўзимни оқлашдан йироқман. Биласиз, Осие ўйинлари регламентига кўра, унда қатнашадиган терма жамоалар асосини 23 ёшгача бўлган ўйинчилар ташкил этади. Шунингдек, уч нафар катта ёшдаги ўйинчи ҳар бир жамоа таркибига майдонга тушишига рухсат берилди. Жамоамиз олдида аввало келаси йилнинг июлидан бошланадиган Олимпия ўйинлари саралаш учрашувларида галаба қозониш бош мақсад қилиб қўйилган. Шу боис, режага мувофиқ Гуанчжоуда ўтказилган баҳслар жамоамиз учун муҳим аҳамиятга эга эди. Биздан Осие ўйинларида таркибини шакллантиришимиз билан биргалаб мухлисларни чиройли ўйинларимиз билан қувонтиришимиз талаб этиларди. Афсуски, бунинг улдасидан чиқа олмадик.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Гуанчжоу майдонларида биздан ташқари, фақат Хитой ҳамда Бахрайн терма жамоалари асосан 21 ёшгача бўлган ўйинчилардан иборат таркиб билан тўп суришди. Қолган давлатлар вакиллари бу борада ўзларига берилган имкониятлардан тўлиқ фойдаланишди. Натижада бу аксарият жамоалар учун самарали яқунланди. Мисол учун, Бирлашган Араб Амириклари, Япония, Жанубий Корея, Эрон футболчиларининг ярим финалга йўлланма олганлиги сўзининг тасдиғидир. Жумладан, Гуанчжоуга жўнаб кетиб олди Одил Аҳмедов, Темур Жўраев (иккиси ҳам «Пахтакор»дан ташқари, Азиз Ҳайдаров, Анзур Исмоилов, Саҳоб Жўраев («Бунёдкор») ҳамда Баҳодир Насимов («Нефчи» Боку)ни ҳам таркибига киритишни режалаштиришди. Бирок маълум сабабларга кўра, уларнинг хизматида фойдалана ол-

мадик. Бу ўз навбатида ўйин ва қайд этган натижаларимизга салбий таъсир кўрсатди.

Таркибга жалб қилинганлар эса мусобақага ҳали тўлиқ тайёр эмаслиги сезилиб қолди. Миллий чемпионатимиз баҳслари 1 ноябрга қадар давом этди. Биз терма жамоа номзодлари билан 24-31 октябрь кунлари Анталияда охириги ўқув-машғулот йиғинини ўтказдик. Очик айтиш лозим, олимпия терма жамоасига аъзо бўлган аксарият ўйинчилар ички чемпионат учрашувларида камдан-кам вазиятларда ўз клуби асосий таркибига майдонга тушишди. Бу эса футболчиларнинг етарли даражада тажриба тўплаши учун озлик қилади. Биргина «Олимпия» жамоаси бош мураббийи Игорь Шквиринни ҳисобга олганда, қолган бирорта мутахассис олимпиячиларнинг асосий таркибига тўп суришига имконият бермаганлиги бунга мисол бўлади. Тўғри, фарғоналиклар таркибига Ислом Тўхтаўжаев асосий таркибдан жой олмоқда. Яхшиям, иккинчи даврада «Насаф» жамоасига Анатолий Демяненкодек профессионал мураббий раҳбар этиб тайинланди. Бўлмаса, умидли ҳужумчи Кенжа Тўраев ҳам захира ўринидан ҳам тўғри жамоамизга келиб қўшилди. Айтмоқчиманки, клубларда терма жамоа номзодларига бу каби муносабатда бўлиш фақат эъёни мизга ишлайди, холос. Ўйин амалиётининг камлиги барибир футболчиларимизга панд берди.


Тажрибали футболчилар сифатида таркибга қўшилган дарвозабон Темур Жўраевнинг оддий вазиятларда йўл қўйган хатолари жамоамиз учун қандай қимматга тушганлигини барча ўз кўзи билан кўрди. Мамлакатимизнинг энг яхши ярим ҳимоячиларидан бири саналган Одил Аҳмедов миллий чемпионатда катта ҳажмдаги ишларни бажариб, анча чарчаган ҳолда Гуанчжоуга борганлиги барибир ўз таъси-

рини ўтказди.

Рақибларни кучли ёки кучсизга ажратмоқчи эмасман. Чунки қитъамизда футбол жадал ривожланмоқда. Аксарият жамоаларда яхши савиядаги хорижлик мураббийлар ишляпти. Жамоамиз гуруҳ босқичидан кейин ўз ўйинини топганди. Футболчиларимизда ишонч пайдо бўлганди. Аммо Жанубий Корея футболчиларига қарши ўйинда япониялик ҳакамга бироз ҳолислик этишмаганлигини ҳам айтиб ўтмоқчиман. Албатта, XVI ёзи Осие ўйинларида қайд этилган натижадан фойда ясамаслик, аксинча йўл қўйилган хато-камчиликлардан тўғри хулосалар чиқариш лозим, деб ўйлайман. Бу борада УФФдаги мутахассислар, қолаверса, маҳаллий клубларда фаолият кўрсатаётган мураббийлар билан ахилликда, бир-биримизни қўллаб-қувватлаб, ҳамкорликда ишляшда давом этсак, албатта, Лондон олимпиадасига йўлланмани қўлга киритишимиз осон бўлади.

### Иван НАГАЕВ, Ўзбекистон олимпия терма жамоаси ҳужумчиси:

— Осие ўйинларида барвақт мусобақани тарк этганимиз жуда алам қилди. Футболни ҳис-туйғуларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Чорак финалда Жанубий Корея терма жамоасига қарши ўйинда туйғуларимга бироз эрк берганим жамоадoshларим учун қимматга тушганлигидан афсусдаман. Биз фақат галаба учун майдонга тушгандик. Бирок буни эплай олмадик. Айниқса, гуруҳ босқичида мухлисларимизни қаттиқ ранжитдик. Гонгконг футболчиларига қарши ўйинда жуда кўп вазиятларни қўлдан чиқарган бўлсак, Бирлашган Араб Амириклари жамоаси билан учрашдан бизга тажриба етишмади. Фақатгина нимчорак финал босқичидан бошлаб майдонда жипсиқда тўп сура бошлагандик. Барибир, очик айтиш керак, аксарият жамоадoshларимнинг ўз футбол клубларида захира ўринидида ўтириб қолганликлари



мусобақада анча панд берди. Темур Жўраев, Одил Аҳмедов каби тажрибали футболчилар билан илгари бирга тўп суришганимиз ҳам учрашувларда ўзаро тил топишимизда муаммоларни келтириб чиқарди. Олдинда жиддий ўйинлар — Лондон олимпиадаси саралаш учрашувлари кутиб турибди. Ишонтириб айтманки, бу нуфузли мусобақада бундай хатоларга қўл қўймаймиз.

### Рустам АҚРАМОВ, ФИФА йўриқчиси, УФФ қошидаги терма жамоалар билан ишлаш ва илмий-ўқувий марказ раҳбари:

— Мен мураббий ёки олимпия терма жамоасининг тактикаси ҳусусида тўхталмоқчи эмасман. Сир эмаски, бунинг кунда барча терма жамоаларимизда футболчиларнинг жисмоний ҳолатида муаммолар кўзга ташланмоқда. Жумладан, олимпиячиларимизда ҳам. Футболчиларимиз халқор майдонга чиққач, рақиб билан яқма-яқма курашларда ютқазиб қўйишмоқда. Агар эсласангиз, ёшларимиз ўтган йили Мисрда ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳам техника ва тактика жиҳатидан Гана, Уругвай, Англия футболчиларидан ёмон ҳаракат қилишмаганди. Фақатгина вакилларимизга жисмоний тайёргарлиги панд берганди. Гуанчжоуда ҳам олимпия терма жамоасининг аксарият рақибларига нисбатан жисмоний томондан кучсизлиги яққол билиниб қолди. Агар бу борада муаммо бўлмаганида чорак финалда футболчиларимиз рақибини бемалол доғда қолдирарди.

### Ислом АҲМЕДОВ, собиқ пахтакорчи, ОФК йўриқчиси:

— Ўз тажрибамдан келиб чиқиб шуни айтишим мумкинки, футболчи бу ёшда ўйинга ва галабага жуда чанқоқ бўлиши лозим. Аммо Осие ўйинларида иштирок этган ўйинчиларда буни сезмадим. Улар ёшлар терма жамоаси таркибига қитъа

чемпионати кумуш медалига сазовор бўлган, жаҳон чемпионатида қатнашган эди. Агар улар аввал қайд этган натижалари билан фахрланиб юрадиган бўлишса, яхшиси, бошқа футбол ўйнамай қўйганлари маъқул. Чунки ҳаёт давом этяпти. Футбол тобора ривожланиб бормоқда. Назаримда, Гуанчжоуда майдонга тушган футболчиларда рухий жиҳатдан қандайдир муаммо бордек кўринди. Бундай йирик мусобақада қатнашадиган жамоа аъзолари ҳар лаҳзада ортида Ватан борлигини, отанаси, дўстлари кузатиб турганини ҳис қилиши шарт. Ўз устида ишламаса, кўзи чакнамаса, қалбида иштиёқ ёнмаса, ҳар қандай мусобақада кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Олдинда Лондон олимпиадаси саралаш баҳслари кутиб турибди. Агар бу учрашувларда олимпиячиларимизнинг галаба қозонишларини истасак, ҳозирдан тайёргарликни бошлаш керак. Мен мураббийнинг ишига аралашмоқчи эмасман. Лекин айтишим керак, таркибга янги ўйинчиларни жалб қилиш даркор. Чунки, клубларимизда мамлакат терма жамоаларида йўналишни ортиқча қилиб юрган икитдорли ёшлар истатанча топилади. Бу эса ўз навбатида жамоа таркибига сезиларли рақобатни юзага келтиради. Шундангина ҳар бир ўйинчи терма жамоадаги ўрин ҳеч кимга қафолатланмаганини ҳис қилади, ўз маҳоратини ошириш учун астойдил тер тўқади.

Абдурахмон ФОЗИЛОВ, Ўзбекистон терма жамоаси ишқибозлар клуби етакчиси:

— Аввало биз ишқибозларга Хитойга сафар уюштиришимизда яқиндан қўмақлашган Ўзбекистон футбол федерациясига ўз миннатдорчилигимизни билдираримиз. УФФ ташаббуси билан маҳаллий клубларимизнинг вилоятлардаги энг фаол ўн нафар мухлиси билан йўлга отланган бўлсак, ана ўн беш ишқибоз ўз ҳисобидан бизга шерик бўлишди. Гуанчжоуга боргач, Хитойнинг турли олайтган яна элликка яқин ҳамюртларимиз билан тўпишдик ва имкон борича ҳар бир учрашууда футболчиларимизни қўллаб-қувватладик. Афсуски, йигитларимизда курашга, галабага чанқоқликни илғамадик, ҳамжиҳатликни кўрмадик.

Учрашувларда олимпиячиларимиз биргина катарликларга қарши ўйинда бироз уюшқоқлик билан майдонда ҳаракат қилишди. Афсуски, қолган ўйинларда улар худди мажбурият юзасидан тўп сурагандек тасаввур уйғотди, бизда. Ўн беш миң километр йўл босиб, жамоамизни қўллаб-қувватлашга борганимизни уйласам, зое кетган фурсатимиз ачинаман. Биз ҳам Япония ёки БАА ишқибозларидек, Хитой яшил майдонларида галабаларни нишонлашни орзу қилгандик. Афсус, бу гал галаба ана армон бўлди...

Бор-йўғи олти ойдан кейин Ўзбекистон олимпия терма жамоаси Лондон олимпиадаси саралаш баҳсларига киришди. 2012 йилда бўладиган ушбу нуфузли мусобақада Осиедан энг кучли учта терма жамоа тўғридан-тўғри иштирок этади (Тўртинчи ўрин учун плейоффада курашилади). Бошқа жамоалар йўлланмаларни қитъамизнинг ўттиз бешта давлати вакиллари қатнашадиган саралаш босқичларида қўлга киритишди.

Хўш, Осие ўйинлари дастуридаги футбол учрашувларида иштирок этган йигирма тўртта терма жамоа орасида саккизликдан жой олган футболчиларимиз бунинг улдасидан чиқа олишадими?! Лондон олимпиадаси саралаш босқичидаги кучли рақобатни енгиш ва мухлисларимизни хурсанд қилиш учун футболчиларимиз хато-камчиликлардан тегишли хулосалар чиқариб олишлари лозим. Вақт эса жуда оз қолмоқда. Лекин энг муҳими, олимпиячиларимизда олимпиядага йўлланмани қўлга киритиш имконияти етарли. Фақат жиддий изланиш ва меҳнат қилиш керак бўлади.

Эркин ХОЛБОВО,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

### Хорижда

## Бирдан совуқ тушиши

муаммолар миқёсини кенгайтириб юборди

Европада кучли қорбўроннинг юзага келиши ва об-ҳавонинг кескин совиб кетиши европаликлар ҳаёт тарзига салбий таъсир этиб, муаммолар миқёсини янада кенгайтириб юборди.



«BBC News» хабар қилишича, табиатнинг бундай инжиқлиги Марказий Европа мамлакатларида 13 кишининг, Англияда эса 2 кишининг умрига зомин бўлди. Европанинг айрим ҳудудларида 18 даражалик совуқ ҳужумчилик қилмоқда. Буюк Британия, Германия, Франция ва Италияда қорбўрони сабабли аэропортлар ва темир йўллар ҳамда автомобиль йўлларида ҳаракатлар тўхташни юзага келтирди. Эдинбург, Гэвтик, Глазго, Ньюкасл, Базел ва Женева аэропортлари парвозлар бутунлай тўхтади. Цюрих аэропортида эса 70 та рейс, шунингдек, Франкфурт, Мюнхен, Париж, Лион ва Брюсселдаги аэропортларда ҳам парвозлар қисман бекор қилинди.

Синоптикларнинг огоҳлантиришича, бундай об-ҳаво ҳафта охиригача давом этади. Сўнг Урта ер денгизида вужудга келган «Катрина» циклонни Европага ёпирилади ва қорбўронлари қузатилмаган ҳудудларда кучли жала ёғишини келтириб чиқаради. Натижада сув тошқинлари юзага келиши эҳтимолдан холи эмас.

## Қарзи кўплиги боис

иссиқлик тармоғидан узиб қўйилди

Украина Олий радаси иссиқлик энергияси билан таъминловчи «Газ Украины» компаниясидан катта миқдорда қарзи борлиги учун иссиқлик тармоғидан бутунлай узиб қўйилди.



Ҳозир депутатлар парламентнинг совуқ хоналарида фаолият олиб боришига тўғри келмоқда.

Парламентнинг регламент масалалари бўйича қўмитаси раҳбари Владимир Макенконинг айтишича, дейилади «УНИАН» АА хабарида, айна пайтада Олий рада иссиқлик манбаи корхонасидан 1 миллион гривна (125 миң доллар атрофида) миқдорда қарз.

Шуни таъкидлаш лозимки, бугунги кунда нафақат парламент, балки шаҳар аҳолисининг ҳам иссиқлик тармоғидан катта қарзи бор. Шу боис 2 миллионга яқин аҳоли иссиқлик тармоғидан узиб қўйилган.

## Деярли 11 миллиард долларлик

ғиёҳванд моддалар йўқ қилинган

Мексиканинг ғиёҳванд моддалар контрабандасига қарши кураш фаолияти билан шуғулланувчи махсус хизмати кейинги 4 йилда 10,9 миллиард долларлик ғиёҳванд моддаларни мусодара этиб, йўқ қилган.



Мамлакат бош прокурори берган маълумотларга асосланиб ИТАР-ТАСС маълум қилишча, кейинги пайтларда Мексика полицияси ва армия бўлинмалари мамлакатда иш олиб бораётган бир қатор «наркокартел»лар фаолиятига нукта қўйди. Бу ишлар, албатта, куролли тўқнашувларсиз яқунланмади. Куролли тўқнашувлар натижасида бир қанча «наркобарон» йўқ қилинди ёки ҳибсга олинди. Умуман, 4 йилда отишмалар чоғида 30 миңга яқин киши қурбон бўлган.

Маълумотларга қараганда, йилига Мексика худуди орқали АҚШга 300-400 тонна кокаин жиноятчилар гуруҳлар томонидан олиб ўтилади. Бу ғиёҳванд моддалар асосан Жанубий Америкадаги ўлкаларда етиштирилади. Мексиканинг ўзида ҳам йили 7 миң тоннага яқин марихуана етиштирилади.



## Янгиликлар

## Бандлик дастури



Қашқадарё вилоятида «Юксалиш» нодавлат нотижорат ташкилоти ҳамда Нишон тумани Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази томонидан «Ёш оналарга ёрдам» лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Лойиҳага кўра, 25 ёшгача бўлган болалари аёлларни касб-хунарга ўргатиш ишлари бошланди. Ўқув машғулотлари Янги Нишон ва Толимаржон шаҳарчаларида ўтказилляпти. Бунда ёш оналар бичиш-тикиш, совгабоп буюмлар тайёрлаш, шунинг-

дек, компьютерда ишлашни ўрганадилар. Барча ўқув-тайёрларлик ишлари учун тегишли маблағ ажратилди. Натижада 30 нафар ёш она хунарга эгалляпти.

Юнус УЗОҚОВ,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

## Олтинсойлик ҳомийлар

ёрдамида кам таъминланган

56 оила уй-жойлари қишқи мавсумга ҳозирланди

Олтинсой Сурхон воҳасининг тоғли ҳудудларидан. Ҳозир бу ерда 150 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади.

Вилоят марказидан 200 километр олинсада жойлашган тоғ ва тоғолди қишлоқлари кейинги йилларда жуда чирой очди. Кўркем коллеж, замонавий шифохона, янги мактаб ва лицейлар бунёд этилди.

Тумандаги «Марказ» маҳалласида маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, 60 ўринли ажойиб меҳмонхона, ёшлар кафеси, дорихона, озик-овқат дўкони ва бошқа янги иншоотлар қурилди. Шу тариқа 500 киши муқим иш жойига эга бўлди.

— Меҳр-оқибат ва бирдамлик бор жойда ривожланиш бўлади, — дейди

маҳалла фуқаролар йиғини раиси Жума Содиков. — Уч минг киши истиқомат қилаётган маскандаги олийҳиммат ҳомийларнинг ёрдами билан яқинда яна бир хайрли иш амалга оширилди. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган 56 хонадоннинг уй-жойлари қишқи мавсум олдиндан қайта таъмирланди. Ҳовлилар ободонлаштирилиб, деворлар оқланди. Бу хайрли ишга 20 миллион сўм маблағ сарфланди. Бундан маҳалла аҳли миннатдор...

Абдумалик ХАЙДАРОВ,  
«Ўзбекистон овози»  
мухбири.

## Йўли текиснинг — эли тўқис

Конимех туманининг айтарли барча ҳудуди чўл ва ярим чўллардан иборат. Асрий Қизилқумда жойлашган қоракўлчилик ширкат хўжаликлари туман марказидан 150-200 километр нарида.



Яқинда вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан 6,3 миллиард сўм маблағ эвазига Қизилқум халқа йўлининг беҳатар саналган тепа қисмидан узунлиги 172 километрга чўзилган янги

асфальт йўл ётқизибли, фойдаланишга топширилди. Бу хайрли ишни Нурота туман йўл таъмирлаш ва ундан фойдаланиш бўлими йўл-созлари амалга оширди.

Янги қурилган йўл одамларнинг манзиллини яқин қилади, иқтисодиётимизга катта фойда келтиради.

Музаффар ШАРОПОВ,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

## Диққат: «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги»!

Ҳурматли ҳамюртлар!

Маълумки, киш фаслида фуқароларнинг иситиш мосламаларига бўлган эҳтиёжлари бирмунча ортиб бориши ёнғин хавфини ҳам кескин ошириб кетишига сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 4 ноябрь кундаги 710-Ф сонли фармойишига асосан Республикада 15 ноябрдан 15 декабргача «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилляпти. Фармойишда кўрсатилганидек, ушбу тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад — «иктисодиёт тармоқлари объектларида ва аҳоли турар-жойларида ёнғин хавфсизлиги тадбирларини кучайтириш орқали содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олиш, улар

оқибатида юзага келиши мумкин бўлган кўнгилсиз ҳолатларни кескин қисқартириш ҳамда фуқаролар орасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини кенг тарғиб этиш»дир.

Азиз ватандошлар! Сизлардан ушбу тадбирда фаол иштирок этишларингизни сўраймиз. Сиз ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиб, нафақат ойлик тадбирнинг фаол иштирокчисига айланасиз, балки бу билан давлат ва ўз шахсий мулкингизни, уй-жойингизни ёнғиндан асраган, шунингдек, яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» тадбирларининг ўтказилишида фаол иштирок этган юрtdoшларимизга олдиндан самимий миннатдорчилик билдиради.



# «ЎЗПАХТАСАНОАТ» УЮШМАСИ ЖАМОАСИ

Ватанимиз равнақининг  
ҳуқуқий кафолати бўлган  
Бош Қомусимиз —  
Ўзбекистон Республикаси  
Конституциясининг  
18 йиллик байрами билан  
барча юрtdoшларимизни самимий  
муборақбод этади.

Гўзал ва ҳур замонда,  
улкан имкониятлар диёрида  
фахр-ифтихор туйғулари  
билан яшаб, мамлакатимиз  
тараққиёти, юртимиз ободлиги,  
халқимиз тинч-тотувлиги  
йўлида олиб бораётган  
самарали ишларингизга ривож  
ва куч-қувват тилаймиз!



(Газетанинг навбатдаги сони 8 декабрь, чоршанба куни чиқади.)

BOSH MUHARRIR:

Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV

Latif G'ULOMOV

Bobir ALIMOV

Sharbat ABDULLAYEVA

Murodulla ABDULLAYEV

Ulug'bek MUSTAFOYEV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

G'afvor HOTAMOV

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Muslihidin MUHIDDINOV

Andrey KUSTOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ  
DEMOKRATIK PARTIYASI  
MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti

233-10-13

Madaniyat va sport

233-69-45,

Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot

233-20-36,

233-44-55

Jamoaatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot

233-12-56

Reklama va e'lonlar

233-38-55,

233-47-80

Mas'ul kotib

233-72-83,

236-55-17

VILOYAT

MUXBIRLARI:

Andijonda —

(374) 225-32-70

Buxoroda —

(355) 223-06-02

Gulistonda —

(367) 225-46-45

Jizzaxda —

(372) 227-48-35

Navoiyda —

(436) 223-83-73

Namanganda —

(369) 226-43-81

Nukusda —

(361) 222-77-21

Samarqandda —

(366) 235-02-55

Urganchda —

(362) 517-30-58

Farg'onada —

(373) 224-18-78

Denovda —

(376) 412-37-80

MANZILIMIZ:

100000, TOSHKENT,  
MATBUOTCHILAR  
KO'CHASI, 32-UY.Navbatchi:  
Mirbaxtiyor MIRFAZIYEVGazeta «O'zbekiston  
ovozi»ning kompyuter  
markazida terildi va  
sahifalandi.Sahifalovchi-dasturchilar:  
Sobirjon TUNG'ATOV,  
Zafar BAKIROV«Sharq» nashriyot-matbaa  
aksiyadorlik kompaniyasi  
bosmaxonasida chop etildi.  
Korxonaning manzili:  
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.Gazeta O'zbekiston  
Matbuot va axborot agentligida  
0006-raqam bilan 2007-yil  
11 yanvarda ro'yxatga olingan.  
Gazeta ofset usulida,  
A-2 formatida bosildi.  
Hajmi 2 bosma taboq.  
Gazeta seshanba, payshanba  
va shanba kunlari chiqadi.«O'zbekiston ovozi»  
materiallarini ko'chirib  
bosish faqat tahririyat ruxsati  
bilan amalga oshiriladi.

Г — 1149

7568 nusxada bosildi

t — Tijorat materiallari

ISSN 2010-7633

O'ZA yakuni — 21.30

Topshirilgan vaqti — 01.45

1 2 3 5

Sotuvda erkin narxda